Xalqaro konferensiya
Navoiy - 2021

# АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИНГ БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

мавзусидаги IV анъанавий халқаро илмий-амалий конференция
**МАТЕРИАЛЛАРИ**

---

**MATERIALS**
of the IV traditional international scientific conference on the theme
**THE SIGNIFICANCE OF THE CREATIVE INHERITANCE OF ALISHER NAVOI IN THE SPIRITUAL AND EDUCATIONAL DEVELOPMENT OF THE HUMANKINDDEVELOPMENT OF HUMANITY**

---

**МАТЕРИАЛЫ**
IV традиционной международной научно-практической конференции на тему
**МЕСТО ТВОРЧЕСКОГО НАСЛЕДИЯ АЛИШЕРА НАВОИ В ЧЕЛОВЕЧЕСКОМ ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОМ РАЗВИТИИ**

*Навоий – 2021*
*23 – 25 ноябрь, Ўзбекистон*




# ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

НАВОИЙ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
АЛИШЕР НАВОИЙ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИ

# АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИНГ БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

**мавзусидаги IV анъанавий халқаро илмий-амалий конференция**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

*(2021 йил 23–25 ноябрь , Ўзбекистон, Навоий шаҳри)*

THE KHAKIMIYAT OF NAVOI REGION (LOCAL GOVERNMENT)
MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION
NAVOI STATE PEDAGOGICAL INSTITUTE
ALISHER NAVOI INTERNATIONAL COMMUNITY ASSOCIATION

**MATERIALS**

**of the IV traditional international-scientific conference on the theme**

# THE SIGNIFICANCE OF THE CREATIVE INHERITANCE OF ALISHER NAVOI IN THE SPIRITUAL AND EDUCATIONAL DEVELOPMENT OF HUMANITY

*(November 23–25, 2021, Navoi, Uzbekistan)*

ХОКИМИЯТ НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ
МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕСПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ
МЕЖДУНАРОДНОЕ ОБЩЕСТВЕННОЕ ОБЪЕДИНЕНИЕ АЛИШЕРА НАВОИ

**МАТЕРИАЛЫ**

**IV традиционной международной научно-практической конференции на тему**

# МЕСТО ТВОРЧЕСКОГО НАСЛЕДИЯ АЛИШЕРА НАВОИ В ЧЕЛОВЕЧЕСКОМ ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОМ РАЗВИТИИ

*(23–25 ноября 2021 г., Узбекистан, г. Навои)*

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
**«Фан»** нашриёти давлат корхонаси
Тошкент – 2021

# МУНДАРИЖА

Сўзбоши . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 3
Қобил Турсунов . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 4
Яшин Душанов . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 5
Баҳодир Собиров . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 6

## БИРИНЧИ ШЎЪБА: НАВОИЙ ИЖОДИЁТИ: ҒОЯ ВА БАДИИЯТ ОЛАМИ

Иброҳим Ҳаққул. Давр, шахсият ва шеърият . . . . . . . . . 9
Шуҳрат Сирожиддинов. Манбаларда Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли ҳақида . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 15
Муслиҳиддин Муҳиддинов. "Сабъаи сайёр" достонида ҳамд ва наът . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 19
Нурбой Жабборов. Алишер Навоий ижодида "маъни" талқини ва "аҳли маоний" васфи . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 22
Дилором Салоҳий. Алишер Навоийнинг "солиҳа аёл" ғоявий-илмий концепти ҳақида . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 32
Нусратулло Жумахўжа. Навоий ва бозор маънавияти . 35
Қозоқбой Йўлдош. Теран туйғуларнинг тенгсиз тасвири . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 37
Almaz Ülvi Binnatova. Əlişir Nəvainin "Şeyx Sənan" qissəsi . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 42
Ваҳоб Раҳмонов. Бир тарихий фожеага дахлдор ғазал . 43
Иқболой Адизова. Навоий маҳоратининг ноёб жилолари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 45
Олим Давлатов. "Ғаройиб ус-сиғар"даги "йигит" радифли ғазаллар таҳлили . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 48
Tohir Xo'jayev. Navoiy davri hayotini anglashga doir ba'zi mulohazalar ("Navodir un-nihoya" devoni asosida) . . . . . 52
Каромат Муллахўжаева. Алишер Навоий асарларида ов тасвири ва унга оид тимсолларнингбадиий талқини . . 55
Абдулҳамид Холмуродов. Навоий асарларида илму ирфон ғояси . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 58
Нигора Муродова. Алишер Навоий асарларида комил инсон тасвири . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 62
Шоира Ахмедова. Алишер Навоийнинг ҳаётбахш юмори хусусида . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 64
Буробия Ражабова. "Вақфия"да маҳдудот талқини . . . 67
Зуҳра Мамадалиева. "Ҳайрат ул-аброр" достонида кўнгил таърифи ва салафлар мадҳи . . . . . . . . . . . . . . . . 71
Рустамжон Жабборов. Навоийнинг "Оққўюнли мухлислар девони"даги бошқа манбалардаучрамайдиган байтлари хусусида . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 75
Гулчехра Болтаева. Художественная ценность од Алишера Навои нафарси . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 78
Одилжон Авазназаров. "Сабъаи сайёр" достонида бадиий туш ва сафар уйғунлиги . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 81
Obidaxon Fayzullayeva. Alisher Navoiy qit'alarida obrazlilik . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 84
Нигора Шарипова. "Ҳайрат ул-аброр"да қофия малоҳати . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 87
Мунира Худоёрова. Навоий қитъаларида фано талқини . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 91
Бахшилло Ашуров. "Мажолис ун-нафоис" асарида туркигўй шоирлар хусусида . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 94
Насима Қодирова. "Парим бўлса учуб кочсам..." ғазалининг қиёсий таҳлили . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 98
Муяссар Иброҳимова. "Фарҳод ва Ширин"да дунё рамзлари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 100
Dilnoza Rustamova. "Badoye' ul-bidoya" devonida tuyuq janri . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 103
Farhod Nizomov. "Sab'ai sayyor"da so'z qudrati . . . . . . 106
Шаҳноза Норқулова. Навоий ғазалиётида кўз тимсоли талқинлари бадииятига доир . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 108

## ИККИНЧИ ШЎЪБА: НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ТАСАВВУФИЙ-МАЪРИФИЙҚАТЛАМИ ВА МАТНШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

Султонмурод Олимов. "Лисон ут-тайр" – муножотнома ва меърожнома . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 112
Муҳаммад Имомназаров. Мусулмон минтақа маданиятида легитимлик масаласининг Алишер Навоий ижодида ҳал қилиниши . . . . . . . . . . . . . . . . . . . .114
Akhlaque Ahmad 'Ahan'. Sufism and humanism in the poetry of Amir Ali Sher Nawai . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 118
Раҳматулла Баракаев. Шарқ мумтоз адабиётида пайғамбарлар тарихига оид асарлар . . . . . . . . . . . 122
Сайфиддин Рафиддинов. Навоий иймон ҳақида . . . . . 128
Ilhom G'aniyev. Rumiy va Navoiy ijodida jabar va qadar – falsafiy kategoriya sifatida . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 131
Мақсуд Асадов. Навоий лирикасида ишқ ва ошиқлик талқини . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 135
София Жумаева. Навоий шеъриятида сир масаласи . 138
Насиба Бозорова. "Садди Искандарий"да нафс тарбияси ва адолат талқинига доир баъзи мулоҳазалар . . . . . . 142
Зиёда Ғаффорова. Навоий "Хамса"сида ҳамд ва наътлар мутаносиблиги . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 147
Сирдарёхон Ўтанова. Турли ижтимоий қатлам аҳлоқида ранг ҳақиқатлари (Алишер Навоийнинг"Маҳбуб ул-қулуб" асари мисолида) . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 148
Зулайҳо Раҳмонова. Навоий асарларида муршид образи . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 154
Алишер Раззоқов, Умаржон Ҳимматов. Алишер Навоий ижодида тасаввуфий образлар генезиси . . . . . . . . . . 157
Фаррухбек Олим. Фазилатлар соҳиби – Сайийд Ҳасан . 161
Ҳаёт Латипов, Чаросхон Саидова. Ошиқ ва ориф тимсоллари тавсифи Навоий талқинида . . . . . . . . . . . . 164
Отабек Жўрабоев. Алишер Навоий девонининг бир нодир қўлёзмаси хусусида . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 168
Маъмура Рашидова. "Наводир ун-ниҳоя" девонининг уч қўлёзма нусхаси ва уларнинг қиёсий таҳлили . . . . . . 170
Шаҳодат Каромова. Навоий асарлари қўлёзмасининг матний тадқиқи ҳақида . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 172
Ойсара Мадалиева. Навоий "терма девон"ларининг

нусхалари таркиби . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 175
Сурайё Муқимова. "Садди Искандарий"да илгари сурилган баъзи масалалар . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 178
Raxima Sharipova. Alisher Navoiy lirikasida tabiat ramzlari talqini . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 181
Улуғбек Санақулов. Алишер Навоий лирикасида ваҳш ва ваҳшат ифодалари талқинига доир . . . . . . . . . . . . 184
Акрам Муқимов. Алишер Навоий ижодий меросида қадриятлар талқини . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 188
Afifa G'aniyeva. "Nazm ul-javohir"da hazrat ali hikmatlarining badiiy sintezi . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 190
Райҳон Саидова. "Шайх Санъон" қиссасида маломатийлик ғоялари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 193
Ўлмасбек Хўжаев. Алишер Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" асарида табоқот тушунчаси . . . . . . . . . . 198
GavharIstamova."Nasoyimul-muhabbat"daorifsiymosi.201
Elmurod Jumayev. Alisher Navoiy ijodida Amir Temur obrazi . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 203
Sarvinoz Nurmonova. Navoiy Robiya Adaviya haqida . . . 206
Gulchehra Mardonova. Navoiyning "Farhod va Shirin" dostoniga xos ayrimjihatlar . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 208

## УЧИНЧИ ШЎЪБА:
## НАВОИЙ ИЖОДИЁТИ: МУОСИР АДАБИЁТ ВА ФОЛЬКЛОР

Ҳотам Умуров. "Оламга Навоий наслиман деган..." . . 211
Исломжон Якубов, Гўзал Атабоева. "Ишқ аҳли" романида тарихий воқеликнинг бадиий ифодаси . . . . 214
Ғайрат Муродов. Ҳазрат Навоий сиймосига янги назар . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 216
Зариф Қувонов. Абдураҳмон Саъдийнинг навоийшуносликка доир тадқиқоти хусусида . . . . . . . 220
Ilyos Ismoilov. Psevdo-kallisfen an'anasi va Navoiyning "Saddi Iskandariy"dostoni . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 223
Озода Тожибоева. "Хамса" достонларини ўрганишда методларнинг аҳамияти . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 226
Гулбаҳор Ашурова. Замонавий шеъриятда Навоий тимсоли . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 229
Гулбаҳор Тожиева. Навоий ва ҳозирги адабий тамойиллар . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 232
Элмурод Насруллаев. Истиқлол даври навоийшунослигида яратилган тадқиқотлар . . . . . . . 235
Хамид Мирзаев. Ғазал ва сонет жанрларининг ўзаро муштарак жиҳатлари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 237
Дилноза Нусратиллоева. Хуршид Давроннинг Навоий бағишланган шеърлари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 239
Насиба Норова. Усмон Кўчқор ижодида Навоий образи . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 241
Олтиной Қурбонова. Навоий ҳақидаги бадиалар туркуми . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 245
Раъно Пайзуллаева. Сирожиддин Саййид шеъриятида навоиёна оҳанглар . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 246
Севинчой Ёкубова. Фитрат навоийшунослигининг айрим қирралари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 249
Олимжон Абдуллоев. Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достонидаги биринчи ҳикоятнинг фольклорасослари . 251
Йўлдош Раҳматов. Алишер навоий ҳикматлари ва мақоллар . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 254
Улуғбек Сатторов. Навоий ижодида фольклор мотивлари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 258
Дилфуза Файзиева. Мифологик образ ва Навоий ижоди . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 261
Зебинисо Ахмедова. "Сабъаи сайёр" ва "Минг бир кеча" . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 264
Dildoraxon Abdullayeva. "Hayrat ul-abror" dostoni-dagi hikoyatlar genezisi va poetik talqini . . . . . . . . 267
Барно Мирзаева. Ҳоди Зарифов – навоийшунос . . 269
Севинч Омонова. "Хамса"даги ҳикоятларнинг дидактик хусусиятлари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 272
Тоҳир Абдураҳмонов. Навоий асарларида олий инсоний қадриятлар . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 275

## ТЎРТИНЧИ ШЎЪБА:
## АЛИШЕР НАВОИЙ ВА АДАБИЙ ТАЪСИР МАСАЛАЛАРИ

Низами Мамедов Тагисой. Компаративный подх од к изучению поэм "Хамсе" Низами и "Хамсе" Навои . . 277
Эльмаз Велиева. Алишер Навои в крымскотатарской литературе . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 288
Дилнавоз Юсупова. Усмонли турк адабиёти ва Алишер Навоий "Хамса"си . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 290
Фарида Каримова. XIX асрнинг биринчи ярми ўзбек шоирлари ижодида Навоий дебочанавислигианъаналари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 294
Мавлонберди Суюнов. Навоийнинг ўзбекча татаббуларига доир айрим қайдлар (ҲофизШерозийга татаббулари мисолида) . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 298
Эргаш Очилов. Бир мавзунинг турфа талқини . . . . . 302
Зебо Қобилова. Навоийнинг содиқ шогирди . . . . . . . 306
Бахтиёр Файзуллоев. Навоий ғазалларига боғланган татаббулар бадиияти ( Навоий ва Огаҳийижоди мисолида) . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 313
Тозагул Матёқубова. Адабий издошлик қирралари . . 320
Гулчеҳра Хўжанова. Аҳмад Югнакий "Ҳибат ул-ҳақойиқ" достонининг Алишер Навоий ижодигатаъсири . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 323
Назмия Мухитдинова. Мирҳасан Садоий ирфоний шеъриятида Навоий анъаналарининг бадиийтакомили . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 325
Шаҳло Ҳожиева. Алишер Навоий анъаналари Чўлпон талқинида . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 329
Собира Жўраева. Навоий ва Шукурий: адабий таъсир масаласи . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 334
Барно Исакова. Навоий ва Фузулий шеъриятидаги образлар талқини . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 337
Васила Чўлиева. Навоий асарларида Румий шахсига эҳтиром . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 341
Gavhar Muftullayeva. Alisher Navoiy va Abdurahmon

Jomiy axloqiy falsafiy qarashlaridagi mushtaraklik ("Mahbub ul-qulub" va "Bahoriston" asarlarimisolida) . 343
Dilshod Mamarajabov. Navoiy va Chingiz Aytmatovning hikmat-tanbehlaridagimushtaraklik . . . . . . . . . . . . . . . . 345
Хасият Бекмирзаева. Навоий ва салафларнинг фалсафий, ахлоқий қарашлари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 348
Gulshan Sattorova. Navoiy nazdida sabr talqini . . . . . . . 350

## БЕШИНЧИ ШЎЪБА: НАВОИЙ ЖАҲОН ШАРҚШУНОСЛИГИ НИГОҲИДА

Ҳамидулла Болтабоев, Дилрабо Казакбаева. Алишер Навоий таржимбандлари ва уларнинг хорижда ўрганилиши . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 353
Афтондил Эркинов. Хорижий навоийшунослик тарихидан лавҳа . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 356
Güzel Abdurrahman. Ali Şir Nevâî'nin türkçe sevdasi üzerine . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 358
Lütviyyə Süleyman qızı Əsgərzadə. Fəridəddin Əttar, gülşəhri və Əlişir Nəvai: "Şeyx Sənan" . . . . . . . . . . . 363
Turgut İleri. Ali Şir Nevai in the lesson books of secondary education turkish language and literature in turkey in the academic year 2020-2021 . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 368
Galib Sayilov. Expresser of the immortal Turkish spirit . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 372
Vahit Türk. Ali Şir Nevâyî'nin münşeati ve münşeattan bir mektup . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 375
Ramiz Asker. Dörd dahidən biri, dörd dahidən birincisi . 380
Рушен Тофиг оглы Ализаде. Поэма "Фархад и Ширин" в творчестве Алишер Навои . . . . . . . . . . . . . . 383
Саййид Ҳамид Саодат. Ҳазрат Навоийнинг шоҳ байтлари . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 385
Azizullah Arral. AQShda navoiyshunoslik va Navoiy asarlariga munosabat . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 387
Asefa Karim, Qolam Rabbani Rashiq, Dr. Abdullah Fahiz, Mohammad Nazir Sekandari, Ahmad Shafiq Rasoulyar. The subject of love in the Amir Ali Shir Nawayi's works (Divan) . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 390
AlimaaAyushjav. Mongolian-uzbek epic ties and mongolian-uzbek common words in the poetry of Alisher Navoi . . . . 393
Sadaf Mardan. Schools/madrassas of Amir Alisher Navai. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 394
Almaz Ülvi Binnatova, Nazim Suleymanov. Əlişir Nəvainin "Oxatma haqqında risalə"si haqqında bir neçə söz . . . . . 398
Benedek Péri. Manuscripts of Mīr ʿAlī-Šīr Navāyī's works in the library of the hungarian academy of sciences . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 399
Гулноз Сатторова. "Жаҳон навоийшунослиги" электрон платформасини яратиш ҳақида . . . . . . . . . . . . . . . . . 404
Tanju Oral Seyhan. Nevâyî'nin ağit/biyografi/hatirat türündeki risalelerinin inşasi ve bazi üslup özellikleri . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 407
Zühal Ölmez. Navoiy va uning jamiyat haqida qarashlari ("Mahbub ul-qulub" asari misolida) . . . . . . . . . . . . . . . . 415
B.Khishigsukh. Исследования по биографии и трудам Алишера Навого в Монголии . . . . . . . . . . . . . . . . . . 420
Нурали Нуров. Структуроведение и источники оды Мир Алишера Навои "Тухфат -ул афкор" . . . . . . . . . . . . . . 423
Мутабар Шарипова. Вклад профессора Абдукодирова Абдусалома к изучению Алишера Навои в Республики Таджикистан . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 427
Роиқ Баходиров. Алишер Навоий асарларининг хорижий мамлакатлардаги қўлёзмалари . . . . . . . . . . . . . . 429
Нумонджон Нигматов. Арабская тематика в "Диване" Алишера Наваи . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 435
Emek Üşenmez. Chagatai manuscripts in the British library . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 439
Richard W. Shannon, Obidjon Ishniyozov, Umida Yusubova. Factors ensuring the effectiveness of communication in eastern didactics . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 440
Моҳинур Сотволдиева. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди хориж олимлари нигоҳида . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 442
Nasibulloh Mahliyo Hamdiy. سیاسی- فلسفی قره شلری نوایی نینگ . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 444
Qalibə Hacıyeva. Azərbaycan ədəbiyyatinda Əlişir Nəvainin yaradiciliğina münasibət. . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 448
Osman Köse. Ali Şir Nevai'nin yetişmesinde devrin siyasi ve sosyal hadiselerinin etkileri . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 451
Keziban Orbay, Metin Orbay. The bridge of hearts from Amasya to Navoiy: "Ferhat and Şirin lovers museum" . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 452
Üyesi Yasemin Ulutürk Sakarya. Türkçenin yapı taşı: Ali Şir Nevâî . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 456
Ярослав Пилипчук. Алишер Навои в истории культуры Мавераннахра . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 457
Sulaymonli Atilla Nozim. Alisher Navoiyning 580 yilligi Ozarbayjon matbuotida . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 458

## ОЛТИНЧИ ШЎЪБА: НАВОИЙ ИЖОДИ ВА ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

Суюн Каримов. Маънавиятимиз сарчашмаларидан баҳра олиб . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 460
Бахтиёр Данияров. Навоий асарларида ёзув қуролини англатувчи сўзлар (қалам, хома, килк) синонимияси . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 462
Muhabbat Qurbonova, Muattar Xirojiddinova. Navoiyning so'z qo'llash mahorati . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 465
Zulxumor Xolmanova. Alisher Navoiyning semantika taraqqiyotidagi o'rni . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 468
Муродқосим Абдиев, Дилафруз Тамикаева. Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достонидаги баъзи иборалар таҳлили . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 471
Маҳмуд Равшанов. Алишер Навоий асарларида рақамли технологиялар тавсифи хусусида . . . . . . . . . . . . . . . . 473
Дурдона Лутфуллаева, Гулноз Эрназарова. Алишер Навоий асарларида қўлланилган минералогияга оид кўп маъноли терминлар хусусида . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 476

Bayramali Kilichev. Alisher Navoiy asarlarida til, so'z, toponim va ma'no talqini . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 478
Рано Юсубова. Лексик ортиқчалик бадиияти . . . . . . 481
Ражаб Хидиров. Алишер Навоий асарларида қўлланилган айрим тиббий атамаларнинг лексик-семантик хусусиятлари . . . . . . . . . . . . . . . . . 483
Botir Zaripov, Baxtiyor Xolmuhammedov. Alisher Navoiy asarlarida zoonimlar va takrir san'atidagi mushtaraklik hamda ularning badiiyati . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 488
Фазлиддин Нажмиддинов. Социальные дифференцации лексики и словообразования в лингвистическом трактате Алишера Навои . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 491
Rano Nuritdinova. Alisher Navoiy asarlari tilida uchraydigan antroponimlarning leksik-semantik xususiyatlari . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 494
Furqat Nurmanov. Alisher Navoiyning til va nutq birliklariga oid qarashlari . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 497
Алижон Аллабердиев. Алишер Навоий асарларида ўғуз шеваларига хос сўзлар . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 500
Nasiba Yarashova. Expression of emotional-expressiveness in assimilation lexemes . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 502
Mushtariy Xolmuradova. Alisher Navoiyning til va jamiyat masalalariga oid qarashlari . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 504
Фаррух Юлдашев. "Ҳайрат ул-аброр" достонида шахс маънавий сифатларини ифодаловчи атов бирликлар . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 507
Shoxida Siddiqova. Sitatalarning badiiy matnda ifodalanishi (Navoiy ijodi misolida) . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 510
Умида Рашидова. Навоийнинг ибора қўллаш маҳорати . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 512
Элёр Бойманов. Навоий асарларида қўлланган саёҳат билан боғлиқ атамалар . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 515
Behzod Rustamov . "Hayrat ul-abror"dagi tasavvufiy qarashlar tahlili . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 518
Ойдин Хўжамуродова. Алишер Навоий асарларида чечак ва гул лексемалари ҳақида . . . . . . . . . . . . . . . . . 520
Maftuna Axmedova. Alisher Navoiy g'azallarida "bilan" ko'makchisining ifodalanishi . . . . . . . . . . . . . . . . . . 524
Dilnoza Yo'ldosheva. Iqbol Mirzoning "Samarqand sayqali" dramasida affiksal, leksik va leksik-affiksal pleonazmning qo'llanilisi . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 526
Yulduz Rahmatova. Navoiy asarlarida badiiy modusning ifodalanishi . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 529
Bibisora Axtamova. Frazeologik birliklarning sotsiopragmatik xususiyatlari (Alisher Navoiy va Sadriddin Ayniy asarlari misolida) . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 530
Xurshida Toshova. O'quvchilarga o'xshatishlarning milliy-madaniy xususiyatlarini navoiy asarlari orqali tanishtirish . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 532

**ЕТТИНЧИ ШЎЪБА:**
**АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ**

Боқижон Тўхлиев. Ғазал шарҳлари билан боғлиқ айрим тажриба ва хулосалар . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 534
Сулаймон Иноятов. Поддержка и забота молодежи – историческая ценность нашего народа (на примере творчество Алишера Навои) . . . . . . . . . . . . 539
Хўжамурод Жабборов. "Муҳокамат ул-луғатайн" асарини ўрганишда янги педагогик технологияларнинг роли . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 542
Махмуд Равшанов, Илхом Эргашев. Алишер Навоий асарларида диний-маърифий ва таълим-тарбиявий мотивларнинг тавсифи . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 547
Dilorom Yuldasheva. Mir Alisher Navoiyning o'zi o'qigan maktabi haqidagi xotiralari . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 549
Равшанбек Махмудов. Учинчи уйғониш ренессанс даври бунёдкорларини тарбиялашда Навоий ижтимоий-сиёсий қарашларининг ўрни . . . . . . . . . . . . 551
Xolbibi Qurbonova. Ona tili ta'limi jarayonida Alisher Navoiy ijodini o'rganish masalalari . . . . . . . . . . . . . . . 554
Алишер Убайдуллаев. Алишер Навоий ижодида бадиий тасвир воситаларининг қўлланилиши . . . . . . . 557
Maqsuda Sariboyeva, Muxtorjon Yo'ldoshev. Alisher Navoiy ijodida ma'naviy-axloqiy tarbiya masalalari . . . 561
Gulchehra Qo'ylieva. Ulug' shoirning "oliyjanob xulq..."lari . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 564
Акмал Турсунов. Алишер Навоий ва замонавий таълим-тарбия масаласи . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 567
Lola Allayeva. Alisher Navoiy qarashlarida barkamol avlod orzusi . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 569
Yulduz Qurbonova. Alisher Navoiy asarlari tahlili orqali o'quvchilarga milliy va umuminsoniy qadryatlarning singdirilishi . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 571
Иқбола Жабборова. Алишер Навоий – суғорма деҳқончилик ва ободончилик ҳомийси ва ташаббускори . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 574
Ирода Ишонханова. Ўрта мактабда "Меҳр ва Суҳайл" ҳикоятининг ўқитилиши юзасидан мулоҳазалар . . . 576
Tozagul Dusanova. "Mahbub ul-qulub" asarida qit'alarning badiiy xususiyatlari . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 580
Umida Ergasheva. Alisher Navoiy asarlari orqali boshlang'ich sinf o'quvchilarining nutqini o'stirish . . . . 582
Hilola Suyunova. Navoiy ijodini o`rganish orqali lingvistik kompetensiyalarni rivojlantirish . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 584

меросдан завқланиб, илҳомланиб, бундан буён ҳам халқимиз маънавий хазинасини бойитадиган асарлар яратаверади.

## ФИТРАТ НАВОИЙШУНОСЛИГИНИНГ АЙРИМ ҚИРРАЛАРИ

**_Севинчой ЁҚУБОВА,_**
**_таянч докторант,_**
**_Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат_**
**_ўзбек тили ва адабиёти университети (Ўзбекистон)_**
sevinchoy. yakubova@mail. ru

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада Фитратнинг Навоийнинг форсий меросини ўрганишга бағишланган қарашлари таҳлил этилган. Унда Навоийнинг форс адабиётидаги салафлари, бу тилдаги шеърлари шунингдек, Фитратнинг "Девони Фоний"га оид қарашлари ҳақида муайян мулоҳазалар илгари сурилган.*

***Калит сўзлар.*** *Адабиётшунос, шеър, девон, тадқиқот, мажмуа, форсий тил*

Абдурауф Фитрат маърифатпарвар шоир, етук носир, истеъдодли драматург бўлиши билан бир қаторда зукко адабиётшунос ҳамдир.

Олимнинг илмий фаолияти кенг қамровли бўлиб, адабиётимиз тарихи билан боғлиқ ноёб қўлёзмаларни излаб топиш, муайян ижодкор ҳаёти ва фаолиятини тарғиб-ташвиқ қилиш, ноёб манбаларни илмий асосда тадқиқ этишдан иборатдир. У ёзиб қолдирган илмий тадқиқотлар ўзбек адабиёти тарихи ва адабиёт назариясининг муайян муаммосини ёритишга бағишланган бўлиб, Фитрат ўзбек мумтоз адабиётининг кўплаб муаммолари билан қизиққани, уларга ўз замонасига мос илмий-адабий ечим топишга интилганидан дарак беради.

Адабиётшунос олим У. Жўрақулов Фитратнинг мумтоз адабиётимизга муносабати ҳақида тўхталиб: *"Фитратнинг мумтоз меросга муайян муносабати, биринчидан, арузга туркона ёндашиш принципи билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, замон мураккабликлари билан изоҳланадиган баъзи ён беришлари ҳам, унинг мумтоз меросга бўлган муҳаббатига, унга ижобий қарашига соя сола олмаган"* [ 1. 44] –деб ёзади.

Дарҳақиқат, Фитрат Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Муҳаммад Солиҳ, Турди Фароғий, Машраб ва бошқа кўплаб мумтоз шоирларимиз ижодий меросининг ўзбек адабиётшунослигидаги илк тадқиқотчиларидан бири эди. Албатта, у Алишер Навоий ижодига алоҳида эътибор билан қараган. Шунинг учун олимнинг илмий меросида бу улуғ мутафаккир ҳаёти, ижодий фаолиятига оид тадқиқотлар салмоқли ўрин тутади. Фитрат тузган "Ўзбек адабиёти намуналари" мажмуасида кўпгина ўзбек адабиёти намуналари қатори Алишер Навоий асарларидан ҳам айрим парчалар келтирилган. [2. 139-273]. Жумладан, сўз юритилаётган мажмуада Навоийнинг "Муҳокамат ул-луғатайн", "Хамса" достонлари, лирик девонларидаги шеърлари, "Мактублар", "Мезон ул-авзон", "Маҳбуб ул-қулуб" сингари асарларидан характерли парчалар берилган.

Фитратнинг "Навоийнинг форсий шоирлиги ҳам унинг форсий девони тўғрисида" , "Фарҳод ва Ширин" достони тўғрисида" номли мақолалари бевосита Навоий ижодий меросининг муайян қирралари тадқиқига бағишлангандир.

"Навоийнинг форсий шоирлиғи ҳам унинг форсий девони тўғрисида" номли мақоласи дастлаб 1925 йилда "Маориф ва ўқитғувчи" журналининг 12-сонида, 1993 йилда эса, проф. Ҳ. Болтабоев томонидан "Шарқ машъали" илмий мажмуасининг 1-сонида қайта нашр этилган. Ушбу мақола Фитрат "Танланган асарлар"ининг 2-жилдидан ҳам ўрин олган [3. 11].

Мақолада Фитрат Навоийнинг форс адабиёти ривожига қўшган хиссаси ҳақида фикр юритар экан, масала моҳиятини устозларга эҳтиромдан бошлайди. Навоий форсий лисонда ҳам беназир истеъдод соҳиби эканини тасдиқлаган замондошлари: Давлатшоҳ Самарқандий, Абдураҳмон Жомий, Сом Мирзо, Ризоқулихон Ҳидоят, Ҳусайн Воиз Кошифий каби тазкиранависларни ҳурмат билан эслайди. Айни пайтда, улардан фарқли ўлароқ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таъкидлаган: *"Навоийнинг форсий шеърлари туркий шеърларига кўра кучсиздир"*- деган фикрга ҳам эътибор қаратади. Бинобарин, тадқиқотчи турли мисоллар, қарама-қарши фикр-қарашларга етарлича ҳақ бергани ҳолда, Фонийнинг форс адабиётига муносабати, поэтик маҳорати ва бу адабиёт ривожига қўшган ҳиссасини холис асослаб беради.

Тазкиранавислар томонидан Навоийнинг форсий тахаллуси турли хил келтирилганини таъкидлаган олим уларга эмас, балки асл манбага таяниб иш кўради. "Лисон ут-тайр" даги Навоий фикрларига асосланиб, унинг форсий тахаллуси "Фоний" эканини тасдиқлайди. Бу ҳол XX аср навоийшунослигининг илк босқичи учун муҳим аҳамиятга молик узил-кесил фикр эди. Фитрат эътибор қаратган муаммолардан яна бири Алишер Навоий форсий меросига таъсир этган омиллар, яъни унинг форсий салафлари масаласи эди. Фитрат қатъий тарзда ҳукм чиқаришда, биринчи навбатда унинг дунёқарашига кучли таъсир этган фикр устозлари: Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдураҳмон Жомий номларини тилга олади. Зотан, Навоий уларнинг айримлари билан бевосита мулоқотда бўлган, пир-мурид мақомида турган бўлса, баъзиларидан бавосита таъсирланган, асарларини севиб мутолаа қилган ва ўзини уларга издош санаган эди.

Фитрат: *"Навоий энг улуғ форс шоирларининг энг машҳур, энг қийин асарларига форси(й) ча жавоблар, назиралар ёзган*", деган тезисни илгари сураркан, Хисрав Деҳлавийнинг «Баҳр ул-аброр» қасидасидан намуналар келтиради. Жомийнинг «Лужжат ул-асрор» қасидаси унга ўхшатма тарзида битилган бўлиб, уни Фитрат Хисрав Деҳлавийникидан кучсизрақдир, деб баҳолайди. Навоий ҳам устозларга назира тарзида 26 байтдан иборат «Туҳфат ул-афкор» қасидасини ёзганини айтиб, мақолада ундан муайян байтлар келтиради. Замондошлари Абдураҳмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий каби мутафаккирларнинг эътирофлари асосида Навоийнинг ушбу қасидасига юқори баҳо беради.

Шундан кейин олим Навоийнинг форсий тилда битилган «Руҳ ул-қудс», "Айн ул-ҳаёт", «Минҳож ун-нажот», «Қувват ул-ҳулуб» сингари қатор қасидалари ҳақида сўз юритади. Ўрни билан улардан байтлар келтириб, таҳлилга тортади.

Фитрат эътиборини қаратган масалалардан яна бири адабиётшуносликдаги Навоий форсий девони билан боғлиқ турли хил қарашлардир.

Олим адабиётшунос Вадуд Маҳмуд томонидан Мусо Саиджонов хусусий кутубхонасида Навоийнинг форсий девони мавжудлиги аниқлангани, унинг ҳажми тўрт ярим минг байтдан иборат бўлганини таъкидлайди. Унинг фикрича, ушбу девон «Бедил» девонининг ҳошиясида «ярим шикаста» бир хат билан ёзилган, янглиши жуда кўб"дир. [3. 8]. Девонда ғазаллардан кейин «Соқийномаи Мир Алишер» номи остида бир соқийнома келтирилгани бўлиб, Фитратнинг фикрича "бу соқийнома услубча девоннинг бутун тизмаларидан устундир, гўзалдир". Соқийномадан кейин шоирга нисбат берилган 30 дан ортиқ рубоийлар билан бир-икки ҳажвий «қитъа» ҳам бўлиб, девон охирида котибнинг ўз хати билан «Фоний иборат аз Амир Алишер аст Амир Навоий» деб ёзилган. Олим мақолада девондаги форсий шеърлари орасида Навоийнннг туркий шеърларидан ҳам анчаси жойлаштирилгани хабарини беради. Фитратнинг синчков кузатувчанлиги ва фидойилиги билан бухоролик Қози Муҳаммад Шариф Садрнинг хусусий кутубхонасида ҳам Навоийнинг бир неча турли асарлари билан бир жойда ёзилган бир форсий девони борлиги фанга маълум бўлди.

Фитрат Навоий (Фоний)га нисбат берилган бу икки девон ҳақида маълумот берибгина қолмай, уларни ўзаро қиёслаб: *"Текшириш натижасида унинг ҳам Саиджонов кутубхонасидаги «Девони Фоний"нинг худди ўзи экани англашилди"* [3. 9] , деган хулосага келган. Эътиборли жиҳати шундаки,

илмий изланишлари натижасида олим бу девон Алишер Навоийники эмас, балки Фоний тахаллусли ўзга бир шоирнинг қаламига мансуб эканини асослаб беради.

Бунинг учун Фитрат девондаги шеърларни ўрганиб чиқади. Бадиий матндаги маълумотлардан келиб чиқиб, унинг муаллифи кашмирлик шоирдир, деган хулосага келади. Дарҳақиқат, Алишер Навоий ҳеч қачон Кашмирда бўлмаган. Фитрат аниқлашича, ушбу девон муаллифи аслида карминалик ё бухоролик бўлиб, "Фоний"дан ташқари "Шоҳий", "Султоний" тахаллуслари билан ҳам ижод қилгандир.

Фитрат манбаларга мурожаат қилиб, Сомийнинг «Қомус ул-аълом» асарида Фоний тахаллуси билан ижод қилган икки шоир ҳақида маълумот берилганини айтади Шулардан бири кашмирлик бўлиб, оти Муҳаммад Муҳсиндир. Олим Навоийники деб аталаётган ушбу форсий девон муайян муддат Деҳли ҳукмдори Шоҳ Жаҳонға хизмат қилиб яна Кашмирга келган Муҳаммад Муҳсинга тегишлидир, дейди. XX аср бошларида Фитрат томонидан илгари сурилган ушбу фикрлар навоийшунослик илмининг кейинги тараққиёти учун муайян даражада асос бўлган.

Умуман, Фитратнинг Навоий форсий мероси устида олиб борган изланишлари Навоийнинг ўз асарлари, замондошларининг қайд ва эътирофлари, шунингдек бадиий матннинг қиёсий-текстологик таҳлили ва тадқиқига таяниб амалга оширилгани учун ишончли илмий асосга эгадир. Адабиётшунос олим томонидан илгари сурилган фикр-қарашлар ўз даври учун янги, навоийшуносликнинг кейинги тараққиёти учун фойдали экани билан эътиборга моликдир. Дарҳақиқат, Абдурауф Фитрат нафақат Навоий ижодий мероси, хусусан "Девони Фоний", балки Шарқ адабиётининг ҳам етук тадқиқотчиси эди.

**Адабиётлар:**

1. Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. – Т., 2003. – Б. 44
2. Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. – Т. : Мумтоз сўз, 2013. – Б. 139-273
3. Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. – Т. : Маънавият, 2000. – Б. 3-11

## НАВОИЙНИНГ «САБЪАИ САЙЁР» ДОСТОНИДАГИ БИРИНЧИ ҲИКОЯТНИНГ ФОЛЬКЛОР АСОСЛАРИ

***Олимжон АБДУЛЛОЕВ,***
***филология фанлари номзоди, доцент,***
***Хўжанд давлат университети***
***(Тожикистон)***
**Olimjon78@bk. ru**

***Аннотация:*** *Мақола Алишер Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достонидаги биринчи ҳикоятнинг фольклор асослари манбалар асосида қиёслар бўйича таҳлил этилди.*

***Калит сўзлар:*** *шеърий санъатлар, татаббу, анъана, ҳикоят, адабий таъсир, достон, манба, тасаввуф, қиёс.*

Амир Алишер Навоий Низомийнинг «Ҳафт пайкар», Амир Хусравнинг «Ҳашт биҳишт» достонларидаги Баҳром Гўр саргузаштлари тасвирида берилган анъаналарни давом эттириб, етти иқлим маликалари учун қурилган қасрларда айтилган афсоналарнинг биринчисини шанба кунидан бошлайди.

Низомий достонида шанба куни ҳинд маликаси Фаврак ҳикоя айтади (1, 148-179). Ҳикояда пок муҳаббат улуғланиб, вафосизлик қораланган. Амир Хусрав достонида ҳам шанба куни мушкин